

2015 - 52-104

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Хр

Вилоят  
иҷтимоий-сиёсий  
газетаси

2015 йил  
1 июль  
ЧОРШАНБА  
№ 52 (12792)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

## БИЗ ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИМИЗ

Асримиз вабоси дея бонг урилайтган гиёҳвандлик бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатларида миллионлаб одамлар, айниқса, навқирон авлоднинг ёш умрини хазон қилмоқда. У кириб борган хонадон бахтдан мосуво бўлиши тайин.



Мамлакатимизда бу иллатга қарши кескин кураш олиб борилапти. Хусусан, давлатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг психотроп модда ҳамда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш конвенциясига қўшилди. 1999 йилда "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Қонун, кейинчалик гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши курашга қаратилган меъё-

рий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек, "Июнь – гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги" деб эълон қилинди. Ҳар йили ушбу ойлик доирасидаги тадбирларда миллионлаб ёшлар фаол иштирок этмоқда. Бу йил ҳам вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидаги таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни муносабати

билан гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилган тадбир, учрашув, давра суҳбатлари, турли танлов ва спорт мусобақалари ўтказилди.

Вилоят ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус, касб-хунар ва халқ таълими бошқармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят

бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалнинг якуний гала-концерти Бекобод шаҳридаги "Металлург" спорт соғломлаштириш мажмуасида бўлиб ўтди.

"Биз гиёҳвандликка қаршимиз" шиори остида ўтган тадбирда фан, таълим, санъат, маданият ва спорт каби йўналишларда муваффақиятларга эришган вилоятимиз ёшлари, таълим муассасаларининг иқтидорли ўқувчилари ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолларидан иборат 8 мингдан зиёд-роқ ёшлар жамулжам бўдилар.

Фестиваль иштирокчиларини вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов турли соҳаларда эришган муваффақиятлари билан муборакбод этиб, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёшлар масаласига алоҳида эъти-

бор қаратилиб, хусусан, уларнинг пухта билим эгаллаши, спорт билан мунтазам шугулланиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун дунёнинг ривожланган давлатларидаги тенгдошларидан кам бўлмаган шароитлар яратилгани, шунингдек, мамлакатимизда гиёҳвандликнинг олдини олиш, айниқса, ёшлар онгига бу иллатга қарши иммунитет ҳосил қилиш учун кенг миқёсдаги ишлар амалга ошири-лаётганини таъкидлади.

Эстрада юлдузларининг Ватанини, мустақиллигини, тинчлигини, ёшлик ва муҳаббатни мадҳ эту-чи мусиқий чиқишлари фестивал иштирокчилари-га кўтаринки руҳ ба-ғишлади.

Авазбек ХУДОЙКУЛОВ,  
Қобилжон ҒОҒУРОВ  
(суратлар),  
"Тошкент ҳақиқати"  
мухбирлари.



Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олтидан

## ҚУДРАТИМИЗ ВА ҒУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ

1 июль – Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўм муомалага киритилган кун

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан ишлар, изчил ислохотлар ва бетимсол янгиланишлар ҳақида сўз борганда, иқтисодийётимизнинг ривожланиши, макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўзаро мутаносиблиги, инфляция даражасининг пастлиги, аҳоли фаровонлиги юксалаётгани билан бир қаторда миллий валютанимиз барқарорлашиб, банк тизими тобора мустаҳкамланиб бораётганини фахр билан тилга оламиз.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислам Каримовнинг 1994 йил 16 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ 1994 йил 1 июлдан муомалага киритилган миллий валютанимиз мамлакатимиз мустақиллигининг асосий белгиларидан бири ва муҳим ривожланиш омилли бўлди.

Жаҳон таърибасидан маълумки, мустақил пул бирлигини жорий этишнинг бирданига ва босқичма-босқич амалга ошириш усуллари мавжуд.

Биринчи ҳолда бу жараён қисқа вақтда ва асосан тўсатдан амалга оширилади. Бунда аҳолининг пул жамғармаси қийматини сақлаб қолиш мақсад қилиб қўйилмайди. Миллий валютага ўтишнинг бу усулини танлаган айрим давлатлар фуқароларининг қандай қийинчиликларга дуч келга-

ни маълум.

Ўзбекистонда бу жараён ҳам миллий тараққиёт тамойилларига мувофиқ босқичма-босқич амалга оширилди. Жаҳоннинг ҳеч бир давлатидан бир пул бирлигидан бошқасига ўтишда халқ манфаатлари Ўзбекистондагидек алоҳида эътиборга олинмаган. Бунинг миллий валютани жорий этишга тайёргарлик босқичи сифатида сўм-купонга ўтишдан бошлаб кузатиш мумкин. Мамлакатимизда сўм-купон муомалага кириши билан четдан кириб келаётган, қадрини йўқотган пулнинг йўли тўсилди. Халқимизнинг ризқ-рўзи бўлган арзон маҳсулотларнинг бошқа республикаларга "оқиб кетиши"нинг олди олинди. Шу билан бирга, даромадларини эски пулда жамғариб келган аҳолига уни алмаштириш учун имконият яратилди.

Мамлакатимизда аҳолининг моддий аҳволини яхшилаш мақсадида иш ҳақи, пенсия, стипендиялар мунтазам ошириб борилади. Иқтисодий ночор корхоналарга тангликдан чиқиб олиши учун фойзсиз банк кредитлари ажратилди. Миллий пул бирлигини жорий этиш билан боғлиқ объектив қийинчиликлар шу тахлит бартараф этилди ва 1994 йил 1 июлдан ҳақиқий валюта – сўмга ўтиш жараёни аҳоли учун молиявий йўқотишларсиз амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).

## САНЪАТКОРЛАР МУХЛИСЛАР ҲУЗУРИДА

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Зангиота туман ҳокимлиги, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида Мустақилликнинг 24 йиллиги ҳамда Халқаро гиёҳвандлик ва нарқобизнесга қарши кураш кўнига бағишланган катта концерт ташкил этилди. "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!",

Ватанимизни мадҳ этувчи қўшиқ янграган экан, бир гуруҳ ёшлар Ўзбекистон байроғини баланд кўтарганча, майдон бўйлаб ўтишди. Бу эса йиғилганларнинг кўнглида чексиз фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотди.

Концертни мириқиб томоша қилдик, – дейди меҳнат фахрийси Раъно Исамухамедова. – Санъаткорларни телевизорда кўрган бошқа, сахнада кўрган бошқа экан. Рухимиз жуда кўтарилди. Бу ҳаяжонли онларни энди узок эслаб юрамиз.

– Бугунги концертдан

таассуротларимиз катта, – дейди туман академик лицейи ўқувчиси Дурдона Эркинова. – Ватанини мадҳ этувчи қўшиқлар, муҳаббат тароналари бирор томошабинни бефарқ қолдирмади. Шундай озод юртда туғилиб, барча шароитларга эга мактаб, коллеж ва лицейларда илм олиб, хунарга ўрганаётган ёшларнинг кўнглидаги миннатдорчилик туйғулари санъаткорлар қўшиғига жўр бўлишганда яққол кўринди.

Нозима АРСЛОНОВА,  
Даврон АХМАД  
олган сурат.

"Биз – соғлом турмуш тарафдоримиз!" шиорлари остида Зангиота қишлоғидаги Убай Мусаев номи ўйингоҳда ўтган тадбирда туманнинг турли ҳудудларидан меҳнаткашлар, фахрийлар ва ёшлар иштирок этди. Байрамонга безатилган ўйингоҳда эл суйган санъаткорлар ижро этган қўшиқлар барчани рақсга чорлади.



Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

## ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚИНИ КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

Вилоят ҳокимлик соатларида жойларда янги иш ўринлари яратиш баробарида ташкилот ва корхоналардаги вақант лавозимларни ҳам унутмаслик, аҳолига турли хизмат кўрсатиш маданияти, озодалик, ободонлаштириш, бозорлардаги нарх-навога эъти-

қилиш жамияти раҳбарини сўрадим.

– Икки йилдан бери унинг ўрни бўш, муносиб кадр тополмаяпмиз, – деди ҳоким ўринбосари Алишер Каримжонов. Начора, "Маҳалла" жамоат фонди туман бўлими раиси Ботир Холиқуловга учраш-

дим. Менга ҳамроҳ қилиб, маҳаллалардан бирининг посбонлар тузилмаси сардорини қўшиб берди. "Аммо, мақола ёзиладиган бўлса, унинг исми, фамилияси, қайси маҳалладан эканини кўрсатмай-сиз", деди раис. Кўндим.

(Давоми 2-бетда).

2 июль – Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

## БАХТ ВА ЭРКСЕВАРЛИК РАМЗИ

Маълумки, ҳар бир мустақил давлат ўзининг Давлат рамзларига, яъни Байроғи, Мадҳияси ва Гербига эга. Зеро, бу уч миллий тимсол давлат мустақиллигини англатиб, уни тасдиқлаб туради. Айни пайтда, давлат мустақиллигига эришган халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга азму-қарор қилганини англатади.

Давлатнинг рамзлари шу давлат мустақиллигининг тимсоли бўлса-да, ҳар бирининг ўзига хос алоҳида вазифаси бор. Чунончи, Давлат байроғи мустақилликнинг асосий белгиси бўлса, Герб давлатни танитувчи белгидир. Чунки, байроққа қараб унинг қайси давлатга тегишли эканини ажрати-тиб олиш анча мушкул. Негаки, байроққа давлатнинг номи ёзиб қў-

йилмайди. Герб эса шунинг учун ҳам танитувчи белгик, унга давлатнинг номи албатта ёзиб қўйилган бўлади. Мадҳия эса давлатга номи берилган халқнинг ўтмишини, қаҳрамонларини, бугунги ва келгуси орзу-умидларини, мазкур халқ яшаётган Юрт табиятининг ўзига хос ғўзаллигини таран-нум этувчи, куйловчи тантанали қўшиқдир.

(Давоми 2-бетда).

Адлия сабоқлари

## ЗАМОНАВИЙ ХОДИМ НИМАЛАРНИ БИЛИШИ КЕРАК?

Мамлакатимиз Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида ҳуқуқни қўллаш ва амалга ошириш самарадорлигини албатта ўрганишни ва шу асосда қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зудлик билан тузатишлар киритишни кўзда тутадиган меъёрий-ҳуқуқий таъминларни мустаҳкамлаш бугунги кунда долзарб вазифага айланиши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Шу нуқтаи назардан мамлакатдаги ҳуқуқий вазиятни таҳлил қилиш, ҳуқуқий ривожланишнинг истикболли мақсадларини белгилаб бориш, шу мақсадларга мос келувчи ҳуқуқий воситаларни танлаб олиш бошқарув идораларида қонунийликни мустаҳкамлашга шарт-шароит ва имконият яратиб беради.

Шубҳа йўқки, Ўзбекистонда яшаб турган ҳар бир фуқаро бугунги кунда қонунларимизнинг ҳаётга таъсирини, уларга асос қилиб олинган инсонпарварлик руҳидаги адолат, озодлик ва тенгҳуқуқлилик гоёлари қундалик ҳаётда рўйбга чиқаётганини ҳис этмоқда.

Юртбошимиз раҳнамолигида тарихан қисқа даврда амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий химоя қилиш салоҳиятини бир мунча кучайганини намойиш қилмоқда. Тарихий ислохотларда адлия органлари муҳим институционал ролни бажарди.

Ҳуқуқий ислохотларнинг самарадорлиги биринчи навбатда адлия органларининг давлат бошқаруви муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги даражасига боғлиқ. Бу ҳамкорлик тизимида фуқаролар, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари адлия органларининг доимий диққат марказида. Бунинг сабаби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқаронинг давлат органлари эътибори марказида бўлиши-ни мустаҳкамлаб қўйганидир.

(Давоми 2-бетда).



2 июль – Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

## БАХТ ВА ЭРКСЕВАРЛИК РАМЗИ

Республика Давлат Герби 1992 йил 2 июльда қабул қилинди ва унинг рангли ҳамда оқ қора тасвири тасдиқланди. Унинг марказида бахт ва эрксеварлик тимсоли бўлмиш Хумо қуши тасвирланган. Пастки қисмида эса Давлат байроғининг кичрайтирилган чамбар кўринишидаги тасвири берилган ва унга "Ўзбекистон" деб ёзиб қўйилган. Давлат герби Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳларида, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, вазирилик, суд, прокуратура, чет эллардаги дипломатия ва консуллик хизмати биноларида, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мажлислари залларида ўрнатиб қўйилади. Давлат идораларининг муҳрларида ва бланкаларида, пул-буюм лотерея билетларида, фуқаролар паспортларида акс этти-

(Давом. Боши 1-бетда).

## Тадбир

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан ҳамкорликда Президентимизнинг "Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остида" китобининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида қатор тадбирлар ўтказиб келмоқда.

## ЁРҚИН ТАРИХИМИЗ

Ана шундай тадбирларнинг навабдагиси Зангиота туманидаги 32-музыка ва санъат мактабида бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ЎзМДП фракцияси аъзолари, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари ва партия фаоллари иштирок этган тадбирда Ўзбекистоннинг мамлакатимиз мустақиллиги арафасида ва мустақилликнинг дастлабки даврида олиб борган сиёсий-ижтимоий фаолиятини акс эттирувчи маъруза ва нутқлари, унда ўша даврдаги ўта драматик воқеалар тафсилоти, сабаб ва оқибатлари атрофича ёритиб берилди. Шунингдек, яқин тарихимизнинг машъум даврида содир бўлган бу воқеаларни билмасдан, моҳиятини чуқур англамасдан туриб, эл-юртимизнинг истиклолга эришиш йўлидаги тарихини барча мураббийлари билан тўлиқ тасаввур этиб бўлмаслиги, шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур китобдаги тарихий ҳужжатлар, нутқлар, маърузаларнинг бугунги ва эртанги кунимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Тадбир сўнггида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Қозим Тожиёв иштирокчиларнинг барча саволларига жавоб берди.


Аваз ИСРОИЛОВ.

## ПАЛАТ ҲАҚИДА СУҲБАТ

Тошкент Давлат аграр университетига гийҳ-вандликка қарши кураш кўнига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда Қирғай туман марказий поликлиникаси, университет тиббий бўлими шифокор ва ҳамширалари, "Исломобод" маҳалла фаоллари, ўқитувчи ва талабалар иштирок этишди.

Игилишда сўзга чиққанлар ушбу иллатнинг зарарли оқибатлари, унинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларда саломатлиги учун масъулият ҳиссини кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.



рилади. Шунингдек, давлат чегараларига ўрнатилган сарҳад устунларида ўрнатилади.

2010 йилнинг декабрь ойида "Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзлари ҳақида" Қонун ҳужжатлари, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида" ги Қонунига ҳам ва "Маъмурий жа-

вобгарлик тўғрисидаги Кодекси"га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Чунинчи, 1992 йилда қабул қилинган Гербга кириллда ёзиб қўйилган "Ўзбекистон" ёзуви лотин алфавитидаги "O'zbekiston" билан алмаштирилди. Қонун матнидаги "Республика" сўзлари "Ўзбекистон Республикаси" деб ўз-

гартрилди.

Қонун матнидаги "давлат гербини беҳурмат қилганлик" ва "жазоланади" деган иборалар олиб ташланиб, қуйидагича тахрирда берилди: "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида" ги Қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган

тартибда жавобгар бўлади". Аввалги тахрирдаги қонуннинг 4-моддасига тўртта янги банд қўшилди. Уларга кўра "Ўзбекистон Республикаси Президенти девони" деган ибора "Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳлари", "Ўзбекистон Олий Мажлиси" эса "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари" иборалари билан алмаштирилди.

Давлат гербининг тасвири доимий ўрнатиб қўйиладиган объектлар қаторига республика Почта алоқаси миллий операторининг почта вагонлари ва кутилари ҳам киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзлари давлатимизни, Ватанимизни халқроқ майдонда бутун бўё баста билан намойиш этиб туради. Шундай экан, Давлат рамзлари ҳақидаги қонунлар мазмунларини пухта библиш, улардаги талабларга сўзсиз риоя этиш фуқаролик бурчимиздир.

У. ЖҲРАЕВ,  
Халқ депутатлари  
Бўқа туман  
кенгаши доимий  
комиссияси раиси.

## Фалла – 2015

## ОЛТМИШ ЦЕНТНЕРЧИЛАР САФИГА ҚЎШИЛДИ

Бу йил Қирғай тумани ғаллакорлари 3188 гектарда "Таня", "Краснодар", "Саидазиз Элита", "Ёнбош", "Замин" каби маҳаллий иқлимга мос,

серхосил бугдой навларини парваришладди. Айни пайтда, 206 фермер хўжалиги далаларидаги ўрим-йғим мавсуми авж паллада.

Ўримда синалган отряд усулининг қўлланиши орқича нобудгарчиликларнинг олдини олиш имконини берапти. Йилдан-йилга ҳосилга ҳосил қўшилиб, 60-70 центнерчи фермерлар сафи кенгаймоқда. Қуни кеча 60 центнерчилар яна биттага қўнаиб, "Байтўғрон Улугбек Жаҳонгир" фермер хўжалиги номи ҳам улар рўйхатида қайд этилди.

Хўжалик бу йил етиштирган "Таня" нави роса бўлиб берди. 16 гектар майдоннинг 10 гектарида ғалла янчиб бўлинмасдан, режа удаланди. Қабул пунктларига 58 тонна дон топширилди.

– Юқори ҳосилдорликка эришиш деҳқоннинг ўз қўлида, – дейди хўжалик раҳбари Гулом Раҳмонқулов. – Аммо, биз, фермерларга қара-

тилаётган эътибор, яратиб берилаётган шарт-шароитлар бунданда муҳим. Ерни ҳақиқий эгаларига топшириш, мелiorатив ҳолатини яхшилаш, сара урурлар тайёрлаб бериш каби саъй-ҳаракатлар барча муаммоларга барҳам бери.

Фермер ҳақ. Илгари 20-25 центнер ҳам ҳосил бермаган далалар бугун

80-90 центнердан дон тўқаяпти. Натижада Ғ. Раҳмонқуловнинг мўжазига на хўжалиги омбори ва аъзоларининг ўйи ҳам донга тўлаяпти. Чунки, хўжалик ҳисобида яна 6 гектар ғалла майдони қолди. Бу 35-36 тонна дон демакдир.

– Ўрим-йғим мавсумида нафақат ҳар бир кун, ҳатто дақиқа ганимат, – дейди туман фермерлар кенгаши раиси Неймат Соатов. – Пишиб етилган ғалла вақтида йғиб олинмас, донлар тўкила бошлайди ва ҳосилнинг қўғи пасаяди. Биз бундай нобудгарчиликларга йўл қўймаслик учун отряд усулини қўллаган ҳолда, барча зарур чораларни кўраяпмиз.

Ҳақиқатдан ҳам туманда мавсум уюшқонлиқда ўтмоқда. Ўримга жалб этилганлар ва техникаларга дала бошида хизмат кўрсатаяпти. Бу 10 та комбайннинг узуксиз ишлаши ва кунига ҳар бири 50-60 тоннадан дон янчиш имконини берапти.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ. СУРАТДА: хўжалик раҳбари Гулом Раҳмонқулов ва ўғли Улугбек ҳосил қўғидан мамнунлар.

Даврон АХМАД олган сурат.

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

## ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚИНИ КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

Туманнинг кўп тармоқли марказий поликлиникаси томон йўл олди. Унга кираверишда икки ҳамшира гаплашиб ўтиришибди. Суҳбатга шунчалар берилиб кетишганки, ким келди, ким кетди, ишлари йўқ. Ҳаммаёқ антисанитария ҳолатида. Девоқларни ис босган, эшиклар охириги марта қачон хўл латта билан артилганини ҳеч ким эслаб олмасе керак.

Кираверишда илгари фитобар бўлган шекилли, тахта ва фанерлар қандай ташлаб кетилган бўлса, шундай этибди.

Ертўлага тушдик. У ер азбаройи захлигидан деворларини мўғор босиб кетган, ўргимчаклар кимўзарга тўр тўқияпти. Урта эшикдан иккитаси михланганми, кавшарланганми, билиб бўлмайди, янада ичкари киришининг им-

(Давом. Боши 1-бетда).

кони бўлмади. Хўжалик ишлари билан шуғулланадиган ходимини суриш тирсак, у киши қаергадир кетган экан. Ертўлани бамайилхотир айланиб чиқдик ҳамки, икки ҳамшира ҳамон гаплашиб ўтиришибди.

Болалар бўлимида бизни олий тоифали шифокор Рохоба Рустамова қарши олди. Алмисоқдан қолган, эшиклари синик шкаф, қўл ювиш учун ясама мослама, ертўланинг захи биринчи

қаватга ҳам ўтган. Иссиқлик қувурларини таъмирлаш учун очилган шахта очиклигича ташлаб кетилган. ЭКГ бўлимидаги шаронти қўриб, ҳангманг бўлиб қолдик. Турли ёғоч, эски-туски, яроқсиз тиббиёт жихозлари омборхонасига ўхшайди.

Физиотерапия бўлимида Фотима Жумановани саволга тутдим:

– Нега чойшаблар кўринмайди, борлари ҳам бир неча бор ишлатилганку?!

– ...  
– Аппаратлар усти неча чанг, хоналар тозаланмаган?  
– Фаррошлар йўқ. Ойлиги кам...  
Физиотерапия бўлимидаги баъзи хизматлар пуллик экан. Беморлар антисанитария ҳолати учун пул тўлашадими?

Муассаса бош шифокори Дониёр Пирназаров марказий поликлиника капитал таъмирланаётганини, бу ерда вақтинча ишлайётганларини айтиб, камчиликлар-

ни тез кунда бартараф этишга ваъда берди.  
Хуллас, марказий поликлиникадан таъбимиз тирриқ бўлиб чиқиб, йўл-йўлакай туман бозорида янада ажабтовур ҳолатга дуч келдик. Оқ халатсиз, фартуксиз тадбиркор аёл راستадаги пештахтага бошқаралар қаторида очик уюб ташланган буханка ноини 700 сўмдан (!) пуллаяпти. Мухбир ва посбон

гувоҳ бўлган бу ҳолатни наҳотки, туман санитар-эпидемиологлари ва солиқ инспекцияси ходимлари кўрмаётган бўлишса? Туманда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қиладиган ҳамият раҳбари йўқ экан, орасталик назоратчиларию солиқчилар қаерда?

Даврон АХМАД.



Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдида

## ҚУДРАТИМИЗ ВА ҒУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ

Бугун баралла айтиш мумкинки, Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган бакуват иқтисодиётнинг асоси яратилди. Ўнлаб тармоқ ва соҳаларга асос солинди, жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган корхоналар замонавий, юқори унумли техника ва технологиялар билан жиҳозланди.

Сўнги йилларда кичиритилиши Ватанимизда самарали пул-кредит тизимини яратиш йўлидаги муҳим кадам, иқтисодий мустақилликка эришишга йўналтирилган асосий воситалардан бири бўлди. Ўзбекистон ўз миллий валютасининг барқарорлиги ва мустаҳкамлигига четдан қарз олмасдан, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мавжуд захиралардан оқилона фойдаланиш орқали эришди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарорлигини таъминлаш имконини берди. Хусусан, сўмининг харид нархини ошириш мақсадида ички бозорни юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, пул-кредит сисбатининг изчиллигини, истеъмол моллари билан нақд пул мутаносиблигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган барча соҳаларда ўз самараларини бермоқда.

(Давом. Боши 1-бетда).

## Адлия сабоқлари

## ЗАМОНАВИЙ ХОДИМ НИМАЛАРНИ БИЛИШИ КЕРАК?

Ҳақиқат шуки, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва қонунийликни таъминлаш масаласида адлия органлари фуқароларнинг ҳуқуқий фаол бўлишидан манфаатдор. Фуқаро, маҳалла ва умуман фуқаролик жамияти институтлари ҳар бир воқелик бўйича ҳуқуқийликни қанчалик кўпроқ талаб қилса, бу бизнинг фаолиятимизга шунчалик кўпроқ ижобий ёрдам беради.

Албатта, замонавий ходим инсон манфаатларини қўзғалган ҳолда амалга оширилайётган ишлар тўғрисида зарур маълумотга эга бўлиб, бу мавзунинг ёритиш, ислохотлар моҳияти ва самаралари ҳақида жамоатчиликка ҳолис ҳамда ишонарли ахборотлар тақдим қилиб бориши жуда муҳим.

Фикримизча, бошқарув идоралари ходимларининг

(Давом. Боши 1-бетда).

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамда кўплаб мамлакатларда давом этаётган иқтисодий танглик, хусусан, давлат қарзлари ва бюджет тақчиллиги чуқурлашганига қарамай, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини барқарор ривожлантиришга эришилмоқда.

Сўнги йилларда ривожланган мамлакатларнинг халқаро рейтинг кўрсаткичлари кескин пасайиб бораётган бир пайтда "Мудис", "Стандарт энд Пурс" ва "Фитч рейтингс" халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимиз банк тизими фаолиятини "барқарор" деб баҳоламоқда. Бу юртимиз иқтисодий салоҳияти халқаро экспертлар томонидан тан олинганлигининг далилидир. Бугунги кунда мамлакатимиздаги деярли барча тижорат банклари юқори рейтинг даражасига эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, миллий валютани жорий халқаро операциялар бўйича алмаштирилиши мамлакатимизда эришилган макроеқтисодий барқарорлик, иқтисодиётни янада либераллаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, хорижий инвесторларни жалб қилиш учун мустаҳкам асос яратди.

Бугун юртимизга келган хорижий меҳмонлар, тадбиркор ва ишбилармонлар ҳар қандай хизмат ёки маҳсулот ҳақини тўлашдан олдин ўз пулини ўзбек сўмига алмаштиришга интилади. Бу жаҳон валюталари билан муомалада пулимининг кучи, харид қуввати ошиб бораётганидан далолатдир.

Миллий валютадан ҳаммамиз ҳар кун фойдаланамиз. Уни кўрганда қабилмизда миллий ғуруримиз жўш уради. Зеро, пулимиз нафақат мамлакатимиз иқтисодий қудратининг, балки халқимиз маънавий, маърифий ва маданий салоҳиятининг кўзгусидир. Уни қўлга олган кишининг қадим Самарқанддаги Регистон майдони, Тиллакор, Шердор мадрасалари, Амир Темури мақбараси каби тарихий обидалар, шунингдек, пойтахтимиздаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биноси, Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри, "Истиклол" санъат саройи, Амир Темурининг улугвор ҳайкали тасвирларига кўзи тушади. Бу тасвирлар мамлакатимизнинг ўзига хос "ташриф қоғози"га айланган, десак муболаға бўлмайди.

Айни пайтда мустақиллигимиз, қадимий шаҳарларимиз, улуг аждодларимизнинг қутлуг тўйлари муносабати билан юбилей тангалари ҳам зарб этилмоқда. Буларнинг барчаси халқимизда, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодда миллий ғурур тўйларини мустаҳкамлаш, уларни истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Миллий валютани мамлакатимиз салоҳиятини янада юксалтириш билан бирга, халқимизнинг ғурур-ишфохорини, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Матназар ЭЛМУРОВОВ,  
ЎзА шарҳловчиси.

## Тадбир

Вилоят педагогика коллежида "Ёшларни кекса авлодни ҳурмат қилиш ва эъзозлаш руҳида тарбиялаш" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

## НУРОНИЙЛАР ДОИМО ЭЪЗОЗДА

Кексаларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларнинг бой ҳаётий тажрибаси билан ёшларни таништириш, шунингдек, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда икки ишлар бошқармаси тизимида узок йиллар меҳнат қилган фахрийлар, ИИБ Академияси ва коллеж ўқитувчилари, 8-оилавий поликлиника вакиллари ҳамда талаба ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида кекса авлод вакиллари алоҳида эътибор қаратилиб, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиқларини мустаҳкамлаш, маданий ҳордик чиқаришларини таъминлаш, айниқса, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси доирасида кенг қўламдаги тизимли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, тадбир давомида коллеж ўқувчиларининг Ватанини, тинчлигини мадҳ этувчи куй-қўшиқлари ҳамда "Одам савдоси – олам авғоси" мавзусидаги сахна кўриниши намойиш этилди.

Х. МИРАНОВА,  
Т. МАМЕДОВА,  
коллеж ўқитувчилари.

Давра суҳбати

## МАФКУРАВИЙ ХУРУЖЛАР – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАҲДИД

Оҳангарон педагогика ва ижтимоий-иқтисодий коллежиди "Глобаллашув жараёнлари ва мафкуравий хуружлар: диний экстремизм, терроризм, ақидапарастлик, одам савдосининг жамият тараққиётига таҳдиди" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ёшлар ўртасида миссионерлик, диний экстремизм, одам савдоси, гиёҳвандлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган давра суҳбатиди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Оҳангарон туман кенгаши, мудоаага қўмақлашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, тиббиёт бирлашмаси, маъна-

вият-тарғибот маркази вакиллари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Оҳангарон туман кенгаши ҳамда қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мулоқотда ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг онгига ватанпар-

варлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, эл-юрт шаънини ардоқлаш каби улуғвор фазилатларни шакллантириш, бунда оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигини ташкил этиш, турли ахборот хуружларининг асирга айланиш, гиёҳвандликнинг муҳдиш оқибатлари, интернетдан тўғри фойдаланиш каби мавзуларда маъруза ва фикр-мулоҳазалар тингланди.

Давра суҳбати давомида мавзуга оид видеороликлар намойиш этилди. **Аваз БЕКОВ.**

Таълим

## ТИЛ ЎРГАТИШГА БАҒИШЛАНДИ

Республика Президентининг "Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бекобод туманидаги

педагогика коллежиди семинар-тренинг ўтказилди. Унда тумандаги мавжуд 7 та касб-хунарсини ўқитувчилари ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этишди.

Семинар давомида чет тили фани ўқитувчисига қўйилган талаблар, ўқувчиларнинг фанга оид билимларини мустахкамлаш учун нима-ларга эътибор қаратиш лозимлигига алоҳида урғу берилди. Семинар-

тренинг иштирокчилари замонавий таълим андозларига таянган ҳолда ўқувчиларнинг дарс жараёнига эътиборини ошириш фанини пухта ўзлаштиришига имкон беришини таъкидладилар.

Семинар қатнашчилари коллежнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Турсуноյ Амин-жонованинг очик дарсида ҳам иштирок этдилар.

Каримкул БОБОКУЛ ўғли.

Дикқат, танлов!

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустакил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Ёш журналистларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» республика танловини эълон қилади.

Танлов республика оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ҳамда таҳририятлар билан яқин ҳамкорлик қилаётган 30 ёшгача бўлган журналистлар ўртасида телевидение, радио, матбуот, фото, интер-

нет-журналистика йўналишларида ўтказилди.

Танловга ижодий ишлар 2015 йилнинг 1 ноябрга қадар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман ва шаҳар кенгашларида

қабул қилинади.

Батафсил маълумотларни (0-371) 241-02-72, 241-00-50 телефон рақамлари ёки www.kamolot.uz сайтидан олиш мумкин.

Дикқат, танлов!

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектуризм" Миллий компанияси, Ўзбекистон Республикаси Табиғий муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Фанлар академияси, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази

Ўзбекистонда ёшлар туризмни ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг туристик салоҳияти, жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тарғиб қилиш; медиамаҳсулотларнинг кенг тарқалган тури - видеороликлар ёрдамида мамлакатимизнинг туризм салоҳияти тўғрисида кенг

жамоатчиликни хабардор қилиш; ёшларда юртимиздаги бунёдкорлик ва янгиланишларга нисбатан фахр туйғуларини шакллантириш;

миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда келажақ авлодларга етказиш мақсадида "Янги нигоҳ" видеороликлар танловини эълон қилади.

Танловга ижодий ишлар 2015 йилнинг 1 сентябрга қадар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман ва шаҳар кенгашларида қабул қилинади.

Батафсил маълумотларни (0-371) 241-02-72, 241-00-50 телефон рақамлари ёки www.videoanlov.uz сайтидан олиш мумкин.

Дикқат, танлов!

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектуризм" Миллий компанияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси

Ахборот-коммуникация технологиялари ва миллий интернет сегментини ривожлантириш соҳасида фаолият юритаётган ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган "MIT.uz" — миллий интернет танловини эълон қилади.

Танловда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган веб дастури ва дизайнерлар иштирок этишлари мумкин. Танлов куйидаги номинацияларда ўтказилади:

– Ўзбекистоннинг бой маданияти ва санъати, тарихи ҳамда истиклол ғоялари ва маънавий қад-

риятлари акс этган энг яхши сайт;

– Кексаларни эъзозлаш йили мазмунига доир энг яхши сайт;

– Маҳалла, қишлоқ ва шаҳарлардаги фаровон ҳаёт акс этган энг яхши сайт;

– Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти акс этган энг яхши сайт;

– Ўзбекистоннинг иқтисодий

салоҳияти акс этган энг яхши сайт;

– Энг яхши янгиликлар сайти.

Танловга аризалар 2015 йилнинг 1 сентябрга қадар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати-

нинг туман ва шаҳар кенгашла-

рида қабул қилинади.

Батафсил маълумотларни (0-371) 241-02-72, 241-00-50 телефон рақамлари ёки www.MIT.uz сайтидан олиш мумкин.

"MIT.uz" — соғлом ахборот муҳити сари.

ЭЪЛОН

"Агробанк" акциядорлик тижорат банки Тошкент вилоят бошқармаси раҳбарияти томонидан 2015 йилнинг 2-ярим йилликда шаҳар ва туманларда жисмоний ва юридик шахсларнинг сайёр қабул ЖАДВАЛИ

| № | Бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарлари | Ўлавозини                        | Вилоятлардаги шаҳар ва туманлар номи, сайёр қабул ўтказиладиган санаси |                                                                         |                                                                              |                                                                            |                                                                            |                                                                         |
|---|-----------------------------------------|----------------------------------|------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------|
|   |                                         |                                  | июль                                                                   | август                                                                  | сентябрь                                                                     | октябрь                                                                    | ноябрь                                                                     | декабрь                                                                 |
| 1 | ҚОСИМОВ ЖАВЛОН АБДУЛЛАШОИМОВИЧ          | БОШҚАРМА БОШЛИҒИ В.Б.            | Тошкент вилояти Оксфурт тумани 11.07.2015 й. соат 10-00 дан 13-00 гача | Тошкент вилояти Дустобод тумани 05.08.2015 й. соат 10-00 дан 13-00 гача | Тошкент вилояти Юқорги Чирчиқ тумани 09.09.2015 й. соат 10-00 дан 13-00 гача | Тошкент вилояти Оҳангарон тумани 07.10.2015 й. соат 10-00 дан 13-00 гача   | Тошкент вилояти Янгиёул тумани 03.11.2015 й. соат 10-00 дан 13-00 гача     | Тошкент вилояти Гўлбаҳор тумани 10.12.2015 й. соат 10-00 дан 13-00 гача |
| 2 | АЗИЗОВ АБДУХАМИД ОРТИҚОВИЧ              | БОШҚАРМА БОШЛИҒИ УРИНБОСАРИ В.Б. | Тошкент вилояти Бўёқ тумани 06.07.2015 й. соат 10-00 дан 13-00 гача    | Тошкент вилояти Янгиёул тумани 10.07.2015 й. соат 10-00 дан 13-00 гача  | Тошкент вилояти Пискент тумани 11.09.2015 й. соат 10-00 дан 13-00 гача       | Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани 14.10.2015 й. соат 10-00 дан 13-00 гача | Тошкент вилояти Куйи Чирчиқ тумани 13.11.2015 й. соат 10-00 дан 13-00 гача | Тошкент вилояти Чилноз тумани 17.12.2015 й. соат 10-00 дан 13-00 гача   |
| 3 | ШУКУРАЛИЕВ ДИЛШОД МУХАММАДЖОНОВИЧ       | БОШҚАРМА БОШЛИҒИ УРИНБОСАРИ В.Б. | Тошкент вилояти Паркент тумани 25.07.2015 й. соат 10-00 дан 13-00 гача | Тошкент вилояти Бекобод тумани 14.08.2015 й. соат 10-00 дан 13-00 гача  | Тошкент вилояти Чилноз тумани 14.09.2015 й. соат 10-00 дан 13-00 гача        | Тошкент вилояти Гўлбаҳор тумани 09.10.2015 й. соат 10-00 дан 13-00 гача    | Тошкент вилояти Пискент тумани 17.11.2015 й. соат 10-00 дан 13-00 гача     | Тошкент вилояти Оксфурт тумани 23.12.2015 й. соат 10-00 дан 13-00 гача  |

"REAL AUCTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдолари: I. Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан, Оҳангарон тумани, "Оҳангарон Раҳмонотранссервис" майдончасида сақланаётган қуйидаги: 1. 12.12.2013 й. 1-439-13-сонли ижро ҳужжати асосан: 2009 йилда и/ч., дав/рак: 500097 ДА, бошланғич баҳоси - 18 888 871,14 сўм бўлган, "ГБА СПГ Нексия донс" русумли техник соз автотранспорт воситаси; 2. 16.04.2012 й. 1-84/12-сонли ижро ҳужжати асосан: 1984 йилда и/ч., дав/рак: 81 83 ТШИ, бошланғич баҳоси - 126 747,13 сўм бўлган, "ИЖП 3" русумли техник соз мотоцикл; 3. 23.12.2013 й. 1-521-13-сонли ижро ҳужжати асосан: 1999 йилда и/ч., дав/рак: 10Е545УА, бошланғич баҳоси - 10 884 815,64 сўм бўлган "ГБА ВАЗ 21100 СПГ" русумли техник соз автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йил 17 июль куни соат 11.00 да бошлаб ўтказилади.

II. Тошкент вилояти Ангрен шаҳар Суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар ИИБ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 10.12.2010 й. 1049/10-сонли ижро ҳужжати асосан: бошланғич баҳоси - 5 615 921,62 сўм бўлган 1983 йилда и/ч., дав/рак: 11А6717 "Камаз 5320" русумли техник соз; 2. 22.01.2013 й. 371/13-сонли ижро ҳужжати асосан: бошланғич баҳоси - 783 074,97 сўм бўлган 1984 йилда и/ч., дав/рак: 11В7739 "Москвич АЗЛК" русумли техник соз; 3. 05.10.2012 й. 7559/12-сонли ижро ҳужжати асосан: бошланғич баҳоси - 1 420 209,83 сўм бўлган 1980 йилда и/ч., дав/рак: 10Т297СГА, "ВАЗ-21011" русумли техник соз; 4. 03.05.2011 й. 3948/11-сонли ижро ҳужжати асосан: бошланғич баҳоси - 285 938,04 сўм бўлган 1976 йилда и/ч., дав/рак: 11Н9038, "М-412" русумли техник соз; 5. 15.10.2012 й. 7983/12-сонли ижро ҳужжати асосан: бошланғич баҳоси - 1 110 419,90 сўм бўлган 1985 йилда и/ч., дав/рак: 783057Ш, "УАЗ-469Б" русумли; 6. 26.07.2012 й. 6184/12-сонли ижро ҳужжати асосан: бошланғич баҳоси - 2 229 084,47 сўм бўлган 1976 йилда и/ч., дав/рак: 11О9168, "УАЗ-469Б" русумли техник соз; 7. 06.10.2014 й. 11656/14-сонли ижро ҳужжати асосан: бошланғич баҳоси - 666 713,60 сўм бўлган 2000 йилда и/ч., дав/рак: 10У264НА "М 412 ИЭ" русумли техник соз; 8. 19.02.2014 й. 1743/14-сонли ижро

ҳужжати асосан: бошланғич баҳоси - 16 592 439,48 сўм бўлган 2008 йилда и/ч., дав/рак: 100129АА "Матиз" русумли техник соз; 9. 17.02.2014 й. 1645/14-сонли ижро ҳужжати асосан: Шодиева Т.да сақланаётган: бошланғич баҳоси - 17 062 517,77 сўм бўлган, 2006 йилда и/ч., дав/рак: 10Е235УА бўлган, "ГБА Нексия СПГ" русумли техник соз автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йил 17 июль куни соат 11.00 да бошлаб ўтказилади.

III. Тошкент вилояти, Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент вилояти Куйи Чирчиқ тумани судининг: 2015 йил 27 апрелдаги 86/1573-сонли ижро варақасига асосан: Тошкент вилояти, Зангиота тумани "Кук-Терек Матлубот Инвест" МЧЖ да сақланаётган: 2012 йилда и/ч., дав/рак: 10Н491КА, бошланғич баҳоси - 30 803 000 сўм бўлган "СПАРК" русумли автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда. VI. Ангрен шаҳар Суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар ИИБ жарима майдончасида сақланаётган: 2015 йил 14 апрелдаги 3962/15-сонли ижро варақасига асосан: 1972 йилда и/ч., дав/рак: 11В9623, бошланғич баҳоси - 1 800 000 сўм бўлган "ВАЗ-2103" русумли техник соз автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йил 3 август куни соат 11.00 да бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланганидан, бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилиги бўлимининг вакили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмадаги закалат келишувига асосан, мулк бошлангани баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини қўрсатган ҳолда "REAL AUCTION" МЧЖнинг ОАЙБ "Ипак йўли" Мировод филиалдаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996800001, МФО 010101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқсарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел: 254-89-13. Гувоҳнома № 006795

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 1 июль куни Тошкентда ҳаво биров булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 25-27, кундузи 39-41 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятда ҳаво биров булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 22-27, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

Республика миёна-нинг тоғли ҳудудларида ҳаво биров булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 15-20, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

**20 ЙИЛЛИК ВАКТ БИЛАН  
СИНАЛГАН ИШОНЧАН ҲАМКОР**

**"Respublika mulk markazi" АЖ** хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиши истегиди барча фуқароларни ҳужжатли юртувчи субъектлар устав фондидаги улушлари, автотранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва кўчмас мулк ҳисобланмайдиган бошқа турдаги даялат ва нодавлат мол-мулкларнинг оммавий савдоларида иштирок этишига таклиф этади. Телефонлар: (0371) 228-79-52, 228-80-31. [www.rmm.uz](http://www.rmm.uz)

"Respublika mulk markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Савдога Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Тошкент вилояти прокуратурасининг 26.06.2015 йилдаги 27-99-сонли буюртмасига асосан, Тошкент шаҳар, Чилноз тумани, Чўпонота кўчаси, Ц-мавзеси манзилида сақланаётган қонқораси ҳолатдаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. "Нексия" русумли, давлат рақами 01/654 РДА бўлган, 2005 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 20 657 952 сўм. 2. "Нексия" русумли, давлат рақами 10/573 СВА бўлган, 2006 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 25 380 649 сўм. 3. "Lacetti" русумли, давлат рақами 01/658 РДА бўлган, 2008 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 25 380 649 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 5 август куни соат 11.00 да бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлари). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2015 йил 3 август куни соат 18.00. Автотранспорт воситалари 5 август куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2015 йил 19 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади, такрорий савдо учун аризалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2015 йил 17 август куни соат 18.00. Савдо қилиб деб топилган шахсга 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотида шартномаси тузиш мажбурийлиги юқлатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганини ҳақидаги тўлов ҳужжати нусخаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмадаги закалат келишувига асосан мулк бошлангани баҳосининг 40 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" АЖнинг ИКБ "Ипак йўли" банк" Савбон филиалдаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 2021000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор туман, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. 228-79-52. Гувоҳнома № 001580.

